СОБИР МИРВАЛИЕВ



ТАРИХИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

CamScanner

НАСР ВА ДАВР

Маълумки, жанрлар адабиётнинг конкрет кўриниши бўлганлигидан бирор бир халқ адабиётини мана шу жанрларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай бўлгач, жанрларни ўрганиш, адабий-тарихий жараёнларни чуқурроқ тушунишга имкон берса, иккинчидан ҳар бир ёзувчининг ана шу жараёнга қўшган индивидуал ҳиссасини, қолаверса, маълум бир халқнинг маданий-эстетик даражасини аниқлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам жанрларни ўрганиш фақат шакл ҳақидаги масала бўлмай, балки мазкур формага сингдирилган ғоявийлик даражасини ҳам англатади. У ёки бу халқ адабиётида роман жанрининг туғилиши ва тараққиёт йўллари ҳақида гап борганда ҳам масаланинг ана шу муҳим томонларини назардан қочириб бўлмайди. Чунки, ҳозирги вақтда роман шундай улкан бир адабий-эстетик ҳодисага айланганки, усиз адабиётнинг шу кунги тараққиётини тасаввур этиш қийин. Роман бадиий образлар орқали воқеликни кенг ва чуқур акс эттириш формаси (А. Сурков) экан, бу унинг барча адабиётлардаги бир хил ва умумий хусусиятини келтириб чиқаради. Бирор халқ адабиётида роман жанрининг туғилиши ва тараққиёт йўллари ҳақида гап борганда, у ёки бу халқ адабиётида бу жараённинг такрорланмас ва ўзига хослиги кўзга ташланади.

Буни биргина ўзбек романчилигининг туғилиш ва тараққиёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Октябрь инқилоби билан бирга туғилган ўзбек романчилиги жуда катта ва қийин машқлар, изланишлар йўлини босиб ўтиб, ўзининг мустақил тарихини яратолди.

Биринчи ўзбек реалистик романлари юзага келгунга қадар, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда унинг ўзига хос ривожланиш йўли, манбалари бўлган. Тўғри, ёзма ва оғзаки адабиётнинг бу соҳадаги традицияси ягона миллий традицияни ташкил этса ҳам, лекин уларни алоҳида ва мустақил манба деб қараш ҳам хато бўлмаса керак. Чунки, революцияга қадар ўзининг ёзма адабиётига эга бўлмаган ёки кенг тараққий этмаган халқлар адабиётида романнинг ҳам, социалистик реализм методининг ҳам туғилиши мана шу уч манбага (фольклорнинг эпик традицияси, ёзма адабиёт, рус ва жаҳон романчилиги) таянади. Масалан, белорус, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ адабиётларида миллий традиция асосан фольклор асарларидан иборатдир. Бизда эса фольклор ҳам, ёзма адабиёт ҳам баробар ривожланганлигидан уларни икки мустақил манба сифатида ўрганса бўлади. Ўзбек романининг ўзига хос миллийлиги ва хусусияти ҳам худди шу манбалар бойлиги, тўлалиги билан фарқланади. Эстетик фикр тараққиётидан маълумки, санъатдаги ҳар қандай янгилик янги воқелик тарбиялаб вояга етказган янги инсон билан туғилади. Шундай бўлгач, унинг жанр туғилишидаги роли ҳам муҳимдир. Иккинчи манба — фольклорга келганда, аввало, унинг эпик традицияси, қолаверса, халқ достончилиги ва «халқ романчилиги»нинг ўйнаган роли алоҳида аҳамиятга эгадир. Шартли маънода роман дейилиши ҳам унинг алоҳида манбалардан бири эканлигини кўрсатади. Бу аввало халқ достонларининг ҳам роман каби қатор бадиий формаларнинг конкрет бирлигидан иборат эканлигидадир. Халқ достонларида эртак, қўшиқ сингари турли фольклор жанрларининг узвий синтези кўзга ташланади. Фольклорнинг бирор бир ўзга жанри бундай имкониятга эга эмас. Агар қўшиқ ва эртакларда халқ достонларига хос эпиклик асрлар мобайнида чуқурлашиб, шаклланиб борган бўлса, бу ўз навбатида келажак реалистик романига хос эпик замин яратган. Қисқаси, халқ оғзаки ижодидаги эпиклик эртакчилик ва достончиликнинг туғилиши, вояга етиши билан чуқурлаша бошлаган. Ниҳоят у халқ оғзаки ижодиёти қобилидаги ривожланишни достон жанри билан якунлаган.

Ёзма адабиётда бундай хусусият, роман жанрининг туғилиши билан якунланган. Халқ оғзаки ижодидаги Гўрўғли, Алпомиш типидаги кўпгина достонлар маълум маънода (шартли) роман ролини бажариб келганидек, ёзма адабиётдаги «Гул ва Наврўз», «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий», «Шайбонийнома» сингари достон ва мемуар типдаги асарлар ҳам шундайдир. Айни чоғда ҳар икки соҳа бу соҳадаги ютуқ ва тажрибаларни доимо алмашлаб турган, ўзаро таъсирда ривож топган.

Хуллас, халқ оғзаки ижодининг эпик анъанаси, ёзма адабиётдаги реалистик традиция билан қўшилган ҳолда янги давр реалистик романлари учун замин яратди. Баъзи адабиётларда узоқ вақт романтизм реализм вазифасини ўтаганидек, халқ достонлари ҳам роман ролини бажариб келди. Бинобарин ўзбек халқ достонлари ва ёзма эпик асарларининг функциясини уйғониш даври ва рицарь романларидан то куртуз романларигача босиб ўтилган йўл ва улар бажарган вазифадан кам эмаслиги маълумдир. Шунисн ҳам борки, ҳали роман поэзиядан роман прозага ўтиб улгурмаган вақтда, хусусан Франция, Англияда саккиз бўғинли 50—60 мисралик ва ундан ортиқ ҳажмдаги эпик асарларни романнинг бошлангич даври, деб қаралган. Ваҳоланки, М. Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридаги намуналарда 9—12 бўғинли шеърлар мавжуд эди. Шу

жиҳатдан ҳам Лутфий ва Навоий поэмалари шартли маънода роман ролини бажариб келган. Муҳими, роман жанрига хос жуда кўп компонентларнинг туғилиши ва шаклланишига асос солган. Тасвирда эпик баён усулини юзага келтирган.

Ўзбек адабиётида «чомап» термини остидаги амалий ҳаракат Ҳамза номи билан чамбарчас боғланади. Тўғри, Ҳамза ҳеч қачон том маънодаги реалистик роман яратмаган. У яратган «роман»лар мазкур жанр тушунчасини ўзида тўла ифода этолмайди. Бироқ проф. Л. Қаюмов таъкидлаганидек, Ҳамзанинг «Ўзбек адабиёти тарихида романнинг биринчи намунасини, шу термин, шу жанр, шу тушунчанинг биринчи марта олиб кириши» муҳим эди. Шунинг учун ҳам гап Ҳамза «романлари» устида борганда, бизнингча, унинг етуклиги ёки етук эмаслиги ҳақида гапиришдан кўра, уларга ўзбек романчилигининг туғилишидаги дастлабки намунаси сифатида қараш ўринлидир.

Ҳамза ўз асарларида «роман» терминини қайси маънода ишлатган бўлмасин, у адабиётимиз тарихида мазкур терминни биринчи марта бадиий асарга нисбатан, яъни бадиий прозага нисбатан қўллаган санъаткордир. Бу ўринда жуда бой традицияга эга бўлган рус адабиётининг инқилоб даври арафаси ва 20-йиллар бошидаги аҳволига назар солиш фойдалидир. 40—100 бет ҳажмидаги проза асарлари гоҳ роман, гоҳ повесть деб юритилганки, уларга ҳозирги жанр тушунчаси билан ёндашилса, уларни ҳикоя, узоги билан қисса дейиш мумкин. Бунинг сабаби бу даврда ҳали жанрлар тушунчасининг ўзи тўла ҳал этилмаган эди. Ҳатто М. Горькийдек санъаткор ҳам ўзининг «Артамановлар иши», «Клим Самгининнинг ҳаёти» романларини повесть деб атаган. Уларни роман деб аташ фақат кейинчалик одат тусига кирди.

Ҳамза биринчи бўлиб прозада бадиий нутқни тасвирлаш, ифодалаш мақсадларига қаратди. Агар у поэ-

зияда ўз халқи ҳаётини куйлаган бўлса, прозада ана шу ҳаётни тасвирлашнинг дастлабки намунасини яратди. Бу, туғилиб келаётган реалистик проза жанри учун жуда муҳим хусусият эди. Шу билан бирга у прозага хос яна бир муҳим хусусият бадиий нутқ формасининг кўп овозлилик типига асос солди.

Бу хусусият кейинчалик М. Шермуҳамедов, А. Қодирий, С. Айний прозасида янада мураккаб формада ривожлантирилди. Ҳамзадан сўнг Мирмуҳсин — Фикрийнинг «Бефарзанд Очилдибой» романи (1914) эълон қилинди. 1916 йилда А. Қодирий ўзининг «Жувонбоз» асарини ҳам роман деб эълон қилди. Гап бу ерда мазкур асарларнинг жанр тушунчасининг ўзида тўла ифода эта олиши устида эмас, балки ана шу термин ва тушунчанинг истеъмолга кириб келиши ҳақида бормоқда. Чунки булар ҳам Ҳамза «роман»лари сингари жанр тушунчасини ҳали ўзида тўла ифодалай олмасди. Ўзбек ёзувчилари, бу даврга келиб, фақат поэзия ва мақолалар ҳаёт олға сураётган муҳим ижтимоий воқеаларни қамраб олиш имкониятига эга эмаслигини маълум даражада тушундилар. Шу билан бирга Ҳамза, Фикрий, А. Қодирий ҳам ўзбек ўқувчисига «янги типдаги» романнинг зарурлигини алоҳида қайд этдилар. Фикрий ўз романининг сўз бошисида шундай ёзади: **«Орамизда бўладурғон қондага хилоф ва бидъат ишларимизни мақола ила ёзиб битдуруб бўлмасликиға кўзум етуб шу одатларимиз учун роман ёзиб эл кўзига воситасила кўрсатишга мажбур бўлдим».** Маълум бўладики, Мирмуҳсин — Фикрий адабиётимиз ва халқимиз учун роман жанрининг зарурлиги ва аҳамиятини онгли тушунган адиблардан биридир. Унинг ҳаётни **«эл кўзига воситаси-ла»** кўрсатишга интилганлиги ва бунинг меваси бўлган «Бефарзанд Очилдибой» романи шу фикрни исботлайди. Тўғри, роман тўла битмаган, маълум бобларигина газетада эълон қилинган бўлса ҳам, реал воқеалар романга объект бўлганлиги, унинг барча компо-

нентлари ана шу жанрга тааллуқлиги ва реал ҳаёт воқеалари асосида юзага келганлиги муҳим эди. Бу асримиз бошидаёқ ўзбек прозасида реалистик тенденцияларнинг юзага кела бошлаганини кўрсатади. Автор камбағал қарол Қулаҳмад билан Очилдибой ўртасидаги конфликтни кўрсатиш орқали ижтимоий ҳаётдаги тенгсизлик илдизларини очишга ҳаракат қилади. Лекин асардаги воқеалар баёни фақат автор нутқи (III шахс) орқали бериладики, бу ҳол авторнинг янги ғоя, янги қаҳрамон ва янги формада иш кўришига қарамай, тасвирлаш услубида ёзма адабиётдаги қиссачилик анъанаси таъсиридан қутула олмаганини кўрсатади. Шуни ҳам айтиш керакки, Ҳамза, Фикрий, А. Қодирийлар бу соҳада фақат жанр машаққатлари, маҳорат ва тажрибанинг етишмаслиги қийинчиликларидан ташқари маҳаллий бойлар таъзйиқига ҳам дуч келишди. Мирмуҳсин романи газетада босилгандан кейин бундай муносабат янада очиқ кўзга ташланди. Авторнинг айтишича, кунлардан бир кун бойлар уни чақиртириб қойишган ва ҳақоратлашган. «Газеталарда айлаган маломатинг соб бўлиб, энди бебисмилло шайтон китоби битмакка тушдингми... Сен ғийбатчи жабриндан қачон қутуламиз»,— деб ёзувчига таъна қилганлар. Лекин шундай қаршилик ва қийинчиликларга қарамай, Ҳамза, Мирмуҳсин — Фикрий, А. Қодирийлар Октябрь инқилобига қадар ҳам мазкур жанрни яратиш соҳасида амалий фаолият кўрсатишди. Шундай қилиб 1905—17 йиллар ўзбек демократик адабиётида реалистик тенденциялар бўртган бир давр бўлиши билан бирга адабиётимизда янги жанрларнинг конкрет ажралиш, тугилиш даври бошланганлигини кўрсатади.

Октябрь берган янги давр, янги воқеалик мазкур жанрнинг янги мазмун, янгича услуб ва шаклда ривож топишига, унинг адабиётимизда етакчи жанр бўлиб қолишига йўл очди. А. Қодирий, С. Айний, Ҳ. Шамс, А. Қаҳҳор, Ойбек яратган реалистик романлар бунинг

ёрқин мисоли эди. Хусусан, 20-йилларнинг дастлабки даврида яратилган С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Қулбобо» повестлари ўзбек ва тожик прозасида реалистик тенденцияларнинг аста-секин чуқур ўрин олаётганлигини кўрсатарди. Гарчи С. Айний асарлари Шарқнинг машҳур «Минг бир кеча» типидаги асарлари таъсирида яратилган ва услуб жиҳатдан уларга яқин турса ҳам, лекин муҳими, ундаги ғоявий янгиликда, ўсишда кўзга ташланарди. С. Айний насрга янги ғоя, янги образ олиб кирди, реал тарихий шахс ва воқеаларни асарга объект қилиб олди. Бу жиҳатдан у маълум даражада замонавийлик учун кураш ишини ҳам бошлаб берди. Тасвирда жонли ва реал бўёқлар пайдо бўла бошлади. Айниқса, унинг «Бухоро жаллодлари» асари янги пайдо бўлаётган реалистик проза тараққиётида муҳим босқич бўлди. Унинг маълум даражада эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни янги давр руҳи, кўзи билан кўрсатишга уриниши бу соҳада олдинга силжиш эди. Бу мазкур асарнинг аҳамиятини ошириб юборди, айни чоғда ўзбек прозасининг ҳақиқий маънодаги реализм йўлига ўтиб бораётганини кўрсатиб берди. Унинг услубида эса, Ҳамза бошлаб берган прозаик нутқ формасининг кўп овозли типи янада бўёқдор ва жарангдорликка эга бўла бошлади. Агар повестнинг дастлабки олти бобида воқеа тасвири автор нутқи орқали олиб борилса, 7-бобдан бошлаб автор нутқи билан персонаж нутқининг ўзаро чатишиши, бирикиши кўзга ташланади. Бу асардаги Ҳайдарча нутқининг ҳаракатга келишида очиқ кўринади. Шундай қилиб, С. Айний дастлабки асаридаёқ оддий нутқ формасидан мураккаб, кўп овозли проза нутқи томон ўта бошлади.

Реалистик проза яратиш соҳасидаги бу ҳаракатлар А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг пайдо бўлиши билан янги, юқори босқичга кўтарилди. Бу даврларда ўнлаб «кичик» ва «ўрта» проза асарларининг пайдо бўлиши ўзбек прозасининг

реалистик хусусиятларини яратиш ишига хизмат қила бошлайди. Роман эса, баъзи хусусият ва томонларни ана шу «кичик» ва «ўрта» проза ҳатто поэзия ва драма жанрларидан ҳам ола бошлади. А. Қодирий умумсовет адабиётида биринчилардан бўлиб, совет тарихий романчилигига ҳам асос солди. Ҳатто бу соҳада жуда бой традицияга эга бўлган рус совет адабиётида тарихий роман фақат 20-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган эди. Шу жиҳатдан ҳам унинг хизмати бениҳоя каттадир.

Агар В. Скот «Айвенго» тарихий романи билан жаҳон адабиёти тарихида, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Достоевский, Л. Толстой ва М. Горькийлар ўз романлари билан рус романчилигида янги саҳифа очган бўлса, А. Қодирийнинг романлари ўзбек адабиётида шундай ҳодиса бўлди. А. Қодирий араб ёзувчиси Жўржи Зайдондан (1861—1941) ўрганган ва уни устоз, деб билган. Унинг 22 та тарихий хроника типидаги романларини, айниқса, «Арманиса», «Карбало ёнғуси», «17-рамазон», «Фарғоналик келин», «Ал-Амин ва Ал-Мўмин» каби асарлари билан таниш бўлган. Бу таъсирланиш ҳар икки ёзувчи асарларини қиёсий ўрганишда очиқ кўзга ташланади. Хусусан, роман қаҳрамонларини танлаш, улар тақдирини ҳал этиш ва фабула яратишда А. Қодирий Ж. Зайдонга жуда яқин туради. «17-рамазон» романидаги Билол ҳам худди «Ўтган кунлар» даги Ҳасанали сингари хўжасига содиқ қул сифатида хизмат қилади. А. Қодирий истеъдоди, маҳорати ва тасвирлашдаги услуби жиҳатидан ўз устозидан анча юқорига кўтарилади. Агар Ж. Зайдон тарихни тавсиф этиш йўлидан борса, А. Қодирий уни тасвирлаш, кўрсатиш йўлидан борди. У Ж. Зайдон каби тарихчи-хроникачи эмас, ёзувчи — санъаткор сифатида майдонга чиқди. Бу ёзувчининг новаторлиги эди. Айниқса, унинг «Меҳробдан чаён» романида автор қаҳрамон танлашда ҳам, улар тақдирини ҳал этишда ҳам янгича йўл тутди.

Шунинг учун ҳам «Ўтган кунлар»га нисбатан «Меҳробдан чаён» романида социалистик реализм элементлари чуқур кўринишга эгадир. Биринчи асарида олға сурган ислоҳатчи қаҳрамон типидан, курашувчи, ўзгартувчи типига ўтди, услуб жиҳатдан прозага хос ихчамлилик ва аниқлилик принципларини яратди. Бадиий тил соҳасида ҳам янги давон ошди, янги реалистик проза тилини ишлаб чиқди. Буларнинг ҳаммаси, ўсиш-ўрганиш ва изланишни бошдан кечирган ҳар бир қаламкаш учун ўрганишга лойиқ намуна, новаторлик эди. 30-йилларнинг 1-ярмида жанрнинг чуқур драматизациялашган даври бошланди. Бу даврда яратилган кўпчилик романлар бевосита кундалик ҳаёт ҳақида, замонавий мавзуда ёзилган эди. Бу даврда синфий кураш қизғин тус олиб, қулоқларга қарши кураш, социалистик тузумни мустаҳкамлаш ниши ҳар томонлама ривож топаётган эди. Шунинг учун ҳам бу даврда яратилган романларда фақат ўткир социал конфликт асосига қурилганликдан ташқари, жанрга хос хусусиятлар шаклланиб борганлиги ҳам сезилади. Муҳими, шу даврлардан бошлаб ҳаётни тадқиқ этиш томон маълум даражада интилиш бошланди. Романлардаги психологик тасвирнинг кўлами кенгая борди. С. Айний ўзининг «Дохунда»си билан ҳар икки адабиёт романчилигида ижобий қаҳрамоннинг янги типини яратди. Айниқса, Абдуллахўжа каби ижобий қаҳрамоннинг коммунистик типини яратиб, социалистик реализмга хос янги хусусиятга йўл очди. Ҳ. Шамс эса «Душман» ва «Ҳуқуқ» романлари билан адабиётга замонавий, янги материал, янги мавзу, қаҳрамон олиб кирди. А. Қаххор «Сароб» асари билан социал-психологик романга асос солди, ҳамда адабиётда фош этиш услубини биринчи марта эпик прозада қўллади.

Бу даврларга келиб рус ва қардош адабиётлардан, миллий анъаналардан ўрганиш иши анча жонланди.

Энди роман қаҳрамонлари Отабеклар каби «яхши» ва «ёмонни» шахсий ҳаёт доирасида тушунмайди, балки унинг ижтимоий илдизини излай бошлади. Бу давр романлари учун эса ҳаёт ва кураш масаласи, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, шахс ва жамият муносабати, инсон тақдири масалалари ғоявий асос бўлиб қолди. Энди қаҳрамоннинг қалб диалектикасини очиш («Сароб», «Қутлуғ қон», «Навоий») биринчи планга кўча бошлади. Бу реалистик ўзбек романи тараққиётида янги босқич эди. Ойбек «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романлари билан мазкур жанрни камолотга кўтарган бўлса, иккинчидан у тарихий ва тарихий-биографик жанрларни ҳам адабиётимизда мустаҳкам ўрин олишига замин тайёрлади. У яратган қаҳрамонлар социалистик реализм романларига хос мураккаб ҳис-туйғуга эга бўлган чин инсон, курашчи, яратувчи ва ижодкор сифатида гавдаланди.

Урушдан кейинги даврларда эса, дастлаб конфликтсизлик «назария»сининг зарарли оқибатлари давом этди ва уни енгиб ўтишга тўғри келди. Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор», А. Мухторнинг «Дарёлар туташган жойда» каби асарларида айниқса бу ҳол сезиларли кўзга ташланди. Кейинчалик А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романининг янги варианти, П. Турсуннинг «Уқитувчи», А. Мухторнинг «Опа-сингиллар» каби полотноларининг пайдо бўлиши ана шу соҳадаги камчиликларни секинаста бартараф бўлаётганини кўрсатди.

Ўзбек романчилиги тараққиётида КПСС нинг XXIV ва XXV съездларидан кейинги тарихий шароит алоҳида роль ўйнайди. Утган даврда элликдан ортиқ (баъзи бўшларини ҳисобга олмаганда) анча дуруст романлар юзага келди. Бу даврда аввало мавзу ва жанр рангбаранглиги юзага келди. Замонавий, ҳарбий ва тарихий-революцион романчилик янада юксалди. Услубда фалсафий-публицистик ва романтик руҳ янада жонланди. Адабиётда публицистик роман, лирик роман, фалсафий роман, психологик роман, роман-ҳикоя, роман-хроника кабилар тобора кўпайди. Бу ҳодиса айни чоғда умумсовет романчилигига хос янги хусусият бўлиб қолмоқда. Бу романларнинг қаҳрамонлари ҳаётнинг оддий иштирокчиси, кузатувчисигина эмас, балки яратувчи, изловчи, фикрловчи, ижодкор ва курашчи типидаги қаҳрамон бўлганлиги билан ҳам фарқ қилади. Романда инсон тақдири, унинг жамиятдаги ўрни, жамият ва шахс билан муносабати масалалари етакчи тенденция сифатида ўрин олди.

Романчилигимиз Ҳ. Назир, П. Қодиров, С. Аҳмад, О. Ёқубов, Ў. Умарбеков, Ж. Абдуллахонов, Ҳ. Тўхтабоев сингари истеъдодлар ҳисобига яна ҳам ривож топди. Лекин бу соҳада кўпчилик ёзувчиларимизда ҳали ҳам шошма-шошарлик ва кўпинча маҳорат етишмаслиги туфайли ортиқча сўзликка берилиб кетиш касали кўзга ташланмоқда. Айрим романларда қаҳрамон психологиясини очиш ўрнига баёнчилик кучли. Баъзи романлар эса, ҳали мазкур жанр талаблари даражасига кўтарила олганича йўқ. «Китобий» қаҳрамонлар ҳам кўпайди. Ижтимоий-бадиий таҳлил ўрнига тавсифлаш, баёнчилик туғила бошлади. Лекин, муҳими бу камчиликларда эмас, албатта. Негаки, романчилигимиз тараққиётини бундай маза-бемаза асарлар эмас, ғоявий етук, бадиий юксак асарлар белгилайди.

CamScanner